

ТИЛ ТАРИХИ - ХАЛҚ ТАРИХИ

Ёдгоров Х., ГулДУ доценти

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида тил ҳодисаларини, жумладан, тилнинг луғат сатҳига оид ҳодисаларни ҳам анъанавий, ҳам системавий тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этишда муайян натижаларга эришилди.

Ҳар бир тил, асосан, ўз луғат бойлиги ва грамматик қурилиши асосида ўз тараққиёт қонунлари бўйича ўсиб, такомиллашиб боради. Бундан ташқари, тил жамоаларининг ўзаро алоқалари натижасида бир тил иккинчисини бойитади. Халқлар орасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар натижасида бир тил қурилишига хос бирликлар иккинчи тилга кириб боради. Бу, шубҳасиз, табиий жараён.

Тилдаги луғавий бирликларнинг келиб чиқишини, этимонини аниқлаш тилшунослик олдида турган вазифалардандир.

Бугунги кунда русча деб қаралаётган бир қатор лексемаларнинг умумтуркий эканлиги маълум бўлди. Жумладан, кўпчилик «кирпич» лексемасини рус тилига хос деб билади. Тилимиз тарихига, аниқроғи, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарига мурожаат қилар эканмиз, бу лексеманинг умумтуркий эканлигига ишонч ҳосил қиламиз: *керпич-кирпич-ғишт*. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида бу термин *кирпўч* “ғишт” тарзида учрайди.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1981) га назар ташлар эканмиз, «товар» лексемасига шундай изоҳ берилганини ўқиймиз: 1. Айирбошлаш, сотиш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулоти. 2. Савдо-сотиқдаги ҳар қандай мол. Луғат мақоласида мазкур лексеманинг иқтисодий термин эканлиги қайд этилган, лекин қайси тилнинг бирлиги эканлиги кўрсатилмаган. Шу ўринда яна “Девони луғотит турк” асарида мисол келтирамиз: тавар – жонли, жонсиз мол; *таварлиқ*-моллар турадиган жой – склад для тканей.

Бундай мисолларни келтиришда давом этамиз. Маиший лексикага хос бўлган *дазмол* лексемаси келиб чиқишига кўра форс-тожикчадир. Бу лексема ҳозирги ўзбек тилида фаол ишлатилади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *дазмол* лексемасига шундай изоҳ берилган: “қиздириб кийим-кечак, газлама ва шу кабиларни текислайдиган, ғижимини ёзадиган металл асбоб”. М. Қошғарийнинг мазкур асарида худди шу маънода *отук* лексемаси ишлатилган.

Албатта, ҳар қандай лексема бирор тилга ўзлашгач, ўша тилнинг табиатига мослашади.

Кейинги пайтларда *йогурт* лексемаси «кислое молоко» маъносида Россия телевидениесида тез-тез реклама қилинмоқда. Ушбу лексеманинг этимологияси билан қизиқиб, манбаларга мурожаат қилганимизда, бунга ҳам жавоб топилди. «Девону луғотит турк»да *йогурт* лексемаси «қатик» (кислое молоко) маъносида мавжуд экан.

Лексемаларнинг этимонини аниқлаш билан тилшуносликнинг этимология бўлими шуғулланади. Бундай тадқиқот натижалари тил системаси ва структурасидаги турли жараёнларни ҳамда лексемаларнинг этимологик маъноларини аниқлашда, этимологик луғатлар тузишда аҳамиятлидир.

Қолаверса, келтирилган мисолларнинг умумтуркий эканлигини ҳаммаям билавермайди, зеро, тил тарихини билиш миллат тарихини билиш эканлигини унутмаслигимиз керак.

Адабиётлар:

1. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Т.: Ўқитувчи, 1992.

2. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: А. Аҳмедов, Ҳ. Бобобеков. -Т.: 1997.